

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ АЛЛОМАЛАРИ АСАРЛАРИ  
БУЮК МУҲАДДИС ЭЪТИБОРИДА**

**Др. БАРОТ Амонов**

*Германиянинг Гамбург университети тадқиқотчиси,*

*Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази бўлими бошлиғи.*

*E-mail: [barotamonov@gmail.com](mailto:barotamonov@gmail.com)*

*Mobile: +99899 5286563.*

**Аннотация:** Бу мақолада Марказий Осиёдан яшаб ижод қилган ва илм-фан ривожига ҳисса қўшган алломаларнинг ҳаёти ва илмий меросига Миср мамлуклари давридаги энг машҳур муҳаддислардан бири Бадруддин Айнийнинг бўлган қизиқиши, асар ёзишда улардан асосий манба сифатида фойдаланган ҳамда бу асарларга шарҳ ва ҳошиялар ёзгани ёритилади. Бундан ташқари, “Умдатул қорий”ни ёзишда Марказий Осиё алломаларининг қаламига мансуб асарлардан фойдалангани тўғрисида ҳам маълумот берилади.

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё, алломалар, илмий мерос, муҳаддис, ҳадис шарҳлари, “Умдатул қорий”.

Тарихдан маълумки, ислом дини VII-IX асрларда шарқ ўлкаларида тарқалиб, Ўрта Осиё халқларининг асосий динига айланганидан кейин, Мовароуннаҳр ҳудудида ислом таълимоти тарқалиши ва шариат илмлари, айниқса, фикҳ, тафсир, ҳадис, калом илмлари, шунингдек, араб тили ва унга тегишли фанлар ривожининг марказига айланди. Бу диёрдан минглаб дунё илм-фан ва маданияти ривожига илмий ийжодлари ва маънавий мероси билан катта ҳисса қўшган алломалар етишиб чиққан. Уларнинг асарлари ҳозиргача араб ва мусулмон давлатларидаги диний мадраса ва институтларида асосий қўлланма сифатида ўқитилиб келинмоқда.

Ислом тарихида VIII-XII асрлар илм-фан ва маданиятнинг ривожланиш даври бўлган. Ана шу даврларда кўплаб мовароуннаҳрлик алломалар –

бухорийлар, самарқандийлар, термизийлар, хоразмийлар, насафийлар, кешийлар, шошийлар ва фарғонийлар каби тахаллусларга эга бўлган зиёлилар етишиб чиқиб, дунё илм-фани тараққиётига ҳисса қўшгани тарихий ҳақиқатдир. Ҳадис илми соҳасида Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий ва бошқа таниқли муҳаддислар диний таълим барча соҳаларига айниқса, ҳадис илмининг ривожланишида уларнинг хизматлари бекиёдир. Зеро, ўрта асрларда диний илмларнинг ривожланишида муҳаддислар томонидан ёзилган асарлар муҳим аҳамияти касб этган.

Ўзбекистонда Мовароуннаҳр тарихи, маданияти ва аллома ва мутафаккирларининг ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш ва уларнинг жаҳон илм-фан тараққиёти ва ислом цивилизациясига қўшган ҳиссасини чуқур тадқиқ этиш ва кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида ташкил қилинган бир неча илмий-маърифий марказлар томонидан кўпгина илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Мовароуннаҳр диёридан ислом илмлари ривожига ҳисса қўшган уламоларнинг илмий меросига катта эътибор берилган бўлиб, бугунга қадар ўрта аср ва бу давр уламоларнинг саъй-ҳаракатлар натижасида юзлаб, минглаб нодир асарлар дунёга келган.

Жумладан, Ислом оламида “Амирул мўминин фил ҳадис” (“Ҳадис илмининг султони”) ва “Имамуд дуня” (“Дунё имоми”) каби юксак унвонлар билан шуҳрат қозонган Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий меросини ўша давр ҳозиргача шарҳ ва изолаш орқали ҳамон ўрганилмоқда. Зеро, Шамсиддин Заҳабий “Тарихул ислом” китобида айтиб ўтганидек, “Бухорийнинг “Жомеъ ас-Саҳиҳ” асари Аллоҳ таолонинг Каломи шарифидан кейинги энг улуғ ва афзал китоб бўлиб, ҳозирги кунда одамлар учун энг олий санаддир”. Бу асарнинг кўплаб қўлёзма нусхалари турли шаҳарларда тарқалган бўлиб, дунё мусулмонлари яқдиллик билан уни энг мўътабар ҳадис тўплами сифатида эътироф этган.

Бошқа асарлар каби “ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ”га ҳам кўпдан-кўп шарҳлар битилган бўлиб, муҳим манба сифатида у қайта-қайта нашр ҳам қилинган. Араб

тилидаги шарҳ ва ҳошиялар жуда кўп бўлиб, ҳажм ва аҳамияти жиҳатидан хилма-хилдир. Қатор манбаларда уларнинг сони юзга яқин экани айтиб ўтилган. Хусусан, Муҳаммад Исом Хусанийнинг “Итҳафул қорий би маърифати жуҳуд ва аъмалил улама ала “Саҳиҳил Бухорий” асарида “Саҳиҳул Бухорий”га бағишлаб 370 га яқин мухтасар ва тўлиқ китоб ёзилгани таъкидланган. Ҳадисшунос олим У.Уватовнинг тадқиқотларида 80 дан зиёд шарҳ ва уларнинг муаллифлари ҳақида маълумотлар келтирилган. “Кашфуз зунун” асари муаллифи Ҳожи Халифа 50 га яқин шарҳ ёзилганини айтади. Шунингдек, Фуад Сезгин 56 та шарҳни санаб ўтган.

Имом Саҳовий “Умдатус самъ вал қорий” номли китобида “Саҳиҳул Бухорий” китобига 40 дан зиёд, жумладан, Муҳаммад ибн Муҳаммад Хатобий “Аълумус сунан”, Абул Ҳасан Али ибн Халаф “Шарҳ “Саҳиҳил Бухорий”, Муҳаммад ибн Саид Воситий “Шарҳ мушкул Бухорий”, Имом Нававий “Шарҳул Бухорий”, Муҳаммад ибн Баҳодир Заркаший “Танқиҳ фи шарҳ ал Жомъ ас Саҳиҳ”, Ибн Ҳажар Асқалоний “Фатҳул борий”, Маҳмуд Айний “Умдатул қорий” ва Нажмиддин Абу Ҳафс Умар Насафий “Нажаҳ фи шарҳ китаб ахбарис сиҳаҳ” номли шарҳ ва ҳошиялар ёзганини таъкидлаган.

“Саҳиҳул Бухорийга ҳанафий мазҳаби асосида ёзилган шарҳлар таҳлили (Умдатул қорий мисолида)” мавзусида олиб борилган тадқиқот ишида 112 дан ортиқ ҳанафий шарҳлари аниқлангани ва Бадруддин Айний қаламига мансуб бўлган ҳанафий шарҳ “Умдатул қорий” асари тадқиқи ва Айний илмий меросининг ҳадисшуносликдаги аҳамияти, унинг қаламига мансуб асарлари таҳлили тўғрисида изланишлар олиб борилди. Натижада, Айнийнинг диний турли йўналишларда Мовароуннаҳр уламоларининг асарларини ёшлигидан таҳсил олганлиги, ҳадис йўналишида кўзга кўринган “Умдатул қорий” шоҳ асарини тасниф этишда Мовароуннаҳр уламоларининг асарларидан фойдаланганлиги ва фаолияти давомида Мовароуннаҳр уламоларининг асарларига шарҳ ва ҳошиялар ёзганлиги аниқланди.

Миср ва Шом диёрларида ҳукмронлик қилган Мамлуқлар даври (1250-1517)да яшаб ижод қилган аллома Бадруддин Айний (762/136-855/1451) “Буюк

имомларнинг имоми”, “Буюк муҳаддис”, “Асрининг шайхи ва фақиҳи”, “Миср диёри олими”, “Қозиюл кузот”, “Шайхул ислом” каби унвонларга сазовор бўлган, “Абус Сано”, “Абу Муҳаммад” куня ва “Бадруддин Айний” лақаби ила танилган.

Айний турли илмий марказларда илм талабида бўлиб, тўрт мазҳабда ҳам кўзга кўринган катта устоз ва улуғ шайхларнинг илмий суҳбатларидан баҳраманд бўлиш билан бирга уларнинг таълим-тарбияларини ҳам олган. Ўзининг устоз ва шайхлари тўғрисидаги “Мўъжамуш шууюх” номли китобни ҳам тасниф этган<sup>1</sup>.

Манбаларда келтирилишича<sup>2</sup>, Айний тафсир, ҳадис ва араб тили грамматикасига оид китобларидан таҳсил олган. Жумладан, Мовароуннахр алломалари – Замаҳшарийнинг “Ал-Кашшоф”, Насафийнинг “Тафсир Насафий” ва Самарқандийнинг “Баҳрул улум” каби тафсирларни мутолаа қилган ҳамда ҳадис илмида “Кутуб ситта” ва Ҳумайд Кешийнинг “Муснад”и каби ҳадислар тўпламларини ҳамда Табаронийнинг “Мўъжам” китобларини ўқиган. Бундан ташқари, Ҳофиз Зайниддин Абдурраҳим Ироқий (ваф. 806) ва Тақийюддин Муҳаммад ибн Муҳаммад (ваф.809)дан “Саҳихул Бухорий”, “Саҳихул Муслим” ва Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Насайларнинг суанларини ва Доримий, Абд ибн Ҳумайд ва Аҳмаднинг муснад асарларини эшитган.

Айний давлат маъмурий ишларидан ғазначи, вақф ишлари масъули ва бош қози каби ловозиларида фаолият юритган. Қоҳирада қозилик, ғазначилик, йирик мадрасаларда устозлик каби олий, илмий ва маъмурий мансабларни эгаллаган. Илк маротаба Қоҳира ғазначилигига 804 йил Тақийюддин Макризийнинг ўрнига тайинланган<sup>3</sup>. Вақф ишларида Султон (Вазири) ёрдамчиси бўлиб (819/1416 й) ишлаган. Султон Барсбой даврида, 829/1426 йилдан бошлаб, ҳанафий мазҳаби қозиси лавозимида фаолиятини давом

<sup>1</sup> Бадруддин Айний. Умдатул корий. – Байрут-Лубнан: Дурул кутубул илмия, 2001. Ж. 1. –Б. 12.

<sup>2</sup> Жамолиддин Юсуф ибн Туғрий Бардий. (Таҳқиқ: Муҳаммад Амин, Саид Абдулфаттах) Ал-манҳал ас-софий вал-муставфа баъдал вафий. –Миср: Ҳайат мисриййа амма, 1984. Ж.11. –Б.193.

<sup>3</sup> Муҳаммад ибн Абдур Раҳмон ас-Саховий. Китобут тибрил масбук фи зайлис сулук / Ал-Муҳаққиқ Нажва Мустафо Комил. 4 жилдлик. – Қоҳира: дор ал-кутуб ва ал-васоиқ ал-қавмия, 2002 – Ж.1.Б.377.

эттирди<sup>4</sup>. Бадруддин Айний Мисрда ўз даврининг кўплаб хукмдорлари - султонлари билан замондош бўлиб, улар билан яхши муносабатда бўлган, ҳатто Султон Муайяднинг вакили сифатида Рим юртига 823/1420 йилда элчи қилиб юборилган<sup>5</sup>.

Бадруддин нақлий ва ақлий билимларда асрининг имоми, фуруъ ва усул масалаларида ўз замонасининг ягонаси бўлган. Илмий бахсларда чуқур илмга эгалиги ва гўзал хулқи билан барчага намуна бўлган. Мукаммал китоб ёзишда буюк олимлар орасидан ажралиб турганки, ҳатто ҳадис, фикх, тарих, араб грамматикаси йўналишларида 72 яқин кўп жилдли асарлар<sup>6</sup>.

Айний Мовароуннахрлик алломаларнинг қаламига мансуб бўлган бир неча асарларга “Ал-Бинаяту фи шарҳил ҳидая”<sup>7</sup>, “Шарҳул манор”<sup>8</sup>, “Рамзул ҳақоик шарҳ канзул дақоик”<sup>9</sup>, “Ал-Ҳаваший ала тафсир Абил Лайс”<sup>10</sup>, “Ал-Ҳаваший ала тафсирил кашшоф”<sup>11</sup>, “Мунтахаб мин масаил ровзатил улама”<sup>12</sup>,

---

<sup>4</sup> Ибн Ҳажар Асқалоний. Ал-муҷаммаъул муассис лил муъжамил муфаҳрис. 4 жилдлик. – Байрут: Дарул маърифат. 1992. –Ж. 3. Б.347, 351.

<sup>5</sup> Иймон Умар Шукрий. Ас-Султон Барқуқ Муассис давлатил Мамаликил Жаракиса (784-801/1282-1398) мин хилал махтут Ақдул Жамон фи Тарих Аҳлиз Заман ли Бадрил Айний. –Қоҳира: Мактабат Мадбулий, 2002. Б. 135.

<sup>6</sup> Муҳаммад ибн Абдурраҳмон Саховий. Аз-Заул ломиъ ли аҳлил қарнит тасиъ. 10 жилдлик.– Байрут: Дарул Жайл, 1992. Ж. 10. –Б. 137.; Солих Юсуф Маътуқ. Бадруддин Айний ва асариху фи илмил ҳадис. Арриёз. Дарул башаирил ислмийя. 1983. –Б. 85.; Бадруддин Айний. Умдатул-корий. – Байрут-Лубнан: Дарул кутубул илмия, 2001.1-жуз. Ж.1. –Б.18.

<sup>7</sup> Ҳанафий фикҳи йўналишида Имом Марғиноний(ваф.593/1169)нинг “Ал-Ҳидоя” китобига “Ал-Бинаяту фи шарҳил ҳидая” номли шарҳ ёзган. Шарҳни 817/1414 йилда бошлаб, 850/1446 йилда 13 йил деганда мадрасасида ёзиб тугатган. Асар қўлёзма нусхаси ўн жилддан иборат бўлиб, илк марта 1293/1876 йилда Ҳиндистоннинг Лакнау шаҳрида тўрт жўзда нашр этилган. Манба: Маҳмуд ибн Аҳмад Бадруддин Айний Ҳанафий. Ал-Бинаяту фи шарҳил ҳидая. Таҳқиқ. Аҳмад Солих Шаъбон. Ж. 13. Байрут. Дарул кутубил илмийя. 2000. Ж.1.Б. 52.

<sup>8</sup> Ҳофизиддин Насафий Ҳанафий унвони ила танилган Имом Абулбарокат Абдуллоҳ ибн Аҳмад (ваф.710/1310)нинг “Манорул анвор фи усулил фикх” номли асарига “Шарҳул манор” номли шарҳ ёзган. Бу асар илк бор “Нафисия усмония” нашриёти томонидан 1891 йил нашр этилган. Манба: Маҳмуд ибн Аҳмад Бадруддин Айний Ҳанафий. Шарҳ манорул анвар фи усулил фикх. Байрут. Дарул кутубил илмийя. 2002. – 379 б.

<sup>9</sup> Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий (ваф.710/1310)нинг ҳанафий фикҳида машҳур бўлган “Канзул дақоик” китобига “Рамзул ҳақоик шарҳ канзул дақоик” номли шарҳни 816/1413 йилда ёзиб яқунлаган. Асар илк бор 1868 йил Қоҳирада шарҳи билан чоп этилган. Маълумот учун қаранг: Ибн Ҳажар Асқалоний. Адурарул камина фи аъян миатус самина. Ж.4. Байрут. Дар ихя туросил арабий. 1990. Ж. 2. Б. 352; Солих Юсуф Маътуқ. Бадруддин Айний ва асариху фи илмил ҳадис. –Байрут. Дарул башаирил ислмийя. 1987. Б. 93.

<sup>10</sup> Абу Лайс Самарқандий (ваф.373/983)нинг “Тафсирул Куръон” номли китобига “Ал-Ҳаваший ала тафсир Абил Лайс” номли ҳошия ёзган. Бу асар бизгача етиб келмаган. Манба: Муҳаммад ибн Абдурраҳмон Саховий. Аз-Завул ломиъ ли аҳлил қарнит тасиъ. 12 жилдлик. – Байрут: Дарул Жайл, 1992. –Ж.10. – Б.134.

<sup>11</sup> Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад Замахшарий (ваф.538/1143)нинг “Тафсирул кашшоф” асарига “Ал-Ҳаваший ала тафсирил кашшоф” номли ҳошия ёзган. Бу асар бизгача етиб келмаган. Манба: Тақийуддин ибн Абдулқодир Тамимий Дорий Иззий Мисрий Ҳанафий. Ат-табакотус сания фи тарожимил ҳанафия. Ж.3. – Ар-Риёд: Дар ар-рифозий, 1983. Ж.3. Б. 820. Муҳаммад ибн Абдурраҳмон Саховий. Аз-Завул ломиъ ли аҳлил қарнит тасиъ. 10 жилдлик. – Байрут: Дарул Жайл, 1992. Ж. 10. – Б. 135.

<sup>12</sup> Шайх Абу Али Ҳусайн ибн Яҳя Бухорий Зандавистий Ҳанафийнинг “Ровзатил Улама” асридан сайланма масалалар тўплами сифатида “Мунтахаб мин масаил ровзатил улама” номли асарни тасниф этган. Манба:

“Ат-тақриз алар роддил вафир”<sup>13</sup>, “Умдатал Қорий фи шарҳи ал-Жоми ас-Саҳиҳ” номли шарҳ ва ҳошиялар ёзган. Шунингдек, Ҳожи Халифа Бадруддин Айнийни “Мухтасарул виқоя”ни шарҳлаганлар каторида ҳам санаб, “Шарҳ мухтасарил виқоя” асари уни қаламига мансуб эканини айтган. Лекин тадқиқот давомида бу аниқланмади.

Айнийнинг асарлари орасида ислом оламида машҳур бўлган асар бу “Умдатул Қорий” бўлиб, у ҳанафий мазҳаби асосида шарҳланган. Бу асар ҳадис илмига оид энциклопедик асар бўлиб, содда ва аниқ услубда ҳадис матнини маънолари, фикҳий масалалари ва илмий жиҳатлари ёритилишидан ташқари, унинг грамматик – синтаксис, марфология қоидалари ва балоғат илмига тегишли жиҳатларига эътибор қаратилган.

Айний “Умдатул Қорий” асарини тасниф этишда ундаги масалаларни кенгроқ шарҳлаш мақсадида турли китобларга мурожаат қилиб, улардан айримларидан иқтисоб келтириш йўли билан ёки тўғридан-тўғри матнни келтириш орқали 130 яқин мабалардан фойдаланган<sup>14</sup>. Шунинг учун ҳам уламолар томонидан бу асар кенг қамровли асар деб эътироф этилган.

Юқорида келтирилган ҳадис шарҳини ёзишда фойдаланилган асарлар ичида Мовароуннаҳр уламоларининг қаламига мансуб бўлган асарлар ҳам мавжуд бўлиб, улар 14 тани ташкил этади.

Юқорида келтирилган ҳадис шарҳини ёзишда фойдаланилган асарлар ичида Мовароуннаҳр уламоларининг қаламига мансуб бўлган асарлар ҳам мавжуд бўлиб, улар 14 тани ташкил этади.

Жумладан, **Тафсир ва Қуръон илимларига оид асарлардан 3 та** – Абд

Солих Юсуф Маътуқ. Бадруддин Айний ва асариху фи илмил ҳадис. –Байрут. Дарул башаирил ислмийя. 1987. Б.119.

<sup>13</sup> Мухаммад ибн Абдуллоҳ Дамашкийнинг “Ар-раддул вафир” номли асарига Айний томонидан тақриз берилган бўлиб, “Ат-тақриз алар роддил вафир” номи билан манбаларда зикр қилинган. Дамашкийнинг “Ар-раддул вафир” номли асари Ибн Таймияни куфрга ҳукм қилган Абу Абдуллоҳ Алоуддин Мухаммад ибн Мухаммад Бухорий(ваф.841/1438)га раддия сифатида ёзилган. Шунингдек, бу китобга Айнийдан бошқа Ибн ҳажар ва Балқиний каби бир неча олимлар томонидан ҳам тақриз ёзилган. Тақриз 835/1432 йил Қоҳирада ёзиб тугатилган. Бу тақриз Зухайр таҳрири остида нашр қилинган “Ғоятул аманий фир родди алан набаханий” номли китобнинг 157-165 саҳифаларида келтирилган. Манба: Маҳмуд ибн Аҳмад Бадруддин Айний Ҳанафий. Ал-Бинаяту фи шарҳил ҳидая. Таҳқиқ. Аҳмад Солих Шаъбон. Ж. 13. Байрут. Дарул кутубил илмийя. 2000. Ж.1.Б. 57.

<sup>14</sup> Ибн юсуф Шатиҳ. Докторлик дисс. Маъалим минҳажил луғавий фи шарҳил ҳадисин набавий индал Имам Айний. Жазоир Қосидий университети. 2014 йил. Б. 90-94.

ибн Хумайд ибн Наср Кеший (ваф. 249/863)нинг “Тафсир Абд ибн Хумайд ибн Наср” асаридан, Нажмиддин Умар насафий (ваф. 537/ )нинг “Ат-Тайсир фит тафсир” (Тафсир Насафий) асаридан, Абул Қосим Жаруллоҳ Маҳмуд ибн Муҳаммад Замахшарий (ваф. 538/ )нинг “Тафсирул Кашшоф” номли асардан кенг фойдаланган.

**Ҳадис тўплamlари ва ҳадис илмига оид асарлардан 4 та** – Абу Муҳаммад ибн Исо Термизий (ваф. 279/ )нинг “Сунан Термизий” асаридан, Исҳоқ ибн Роҳувайҳ (ваф. 238/ )нинг “Муснад Исҳоқ ибн Роҳувайҳ” асаридан, Муҳаммад Исо Термизийнинг “Ал-Илалул кабир” асаридан, Замахшарийнинг “Ал-Фаиқ фи ғарибил ҳадис” асаридан фойдаланган.

**Илми рижал ва тарожумга оид асарлардан 1 та** – Имом Бухорийнинг “Ат-Тарих” асаридан фойдаланган.

**Фикҳ ва усулга оид асарлардан 3 та** – Фахриддин Ҳасан ибн Мансур Фарғоний (ваф. 592/ )нинг “Фатавои Қозихон” асаридан, Бурҳониддин Марғиноний (ваф. 667/ )нинг “Ал-Ҳидоя” асридан, Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садруш Шариъа (ваф. 747/ )нинг “Ат-Тавзиҳ фи ҳалл ғавамизит танқиҳ” асаридан фойдаланган.

*Хулоса:* Тадқиқот давомида аниқланган маълумотлар натижасига кўра, шуни айтиш мумкинки, Марказий Осиё уламоларининг илмий мероси бутун Ислom умматининг асосий масдари сифатида эътироф этилган бўлиб, асрлар давомида мусулмон олимлар томонидан ўрганилиш билан бирга уларга кўплаб, мухтасар ва тўлиқ шарҳлар ва изоҳлар тасниф этилган. Бу мақолада мазкур уламолардан бирининг илмий ижодидаги истифодаси ёритиб берилди. Бадруддин Айний Мовароуннаҳр диёрида яшамаган бўлсада, бу диёрнинг алломалари илмий меросини ёшлигидан мутолаа қилгани, шоҳ асари “Умтатул Қорий”ни ёзишда фойдалангани ва фаолияти давомида алломаларнинг қаламига мансуб асарларга шарҳ ва ҳошия ёзгани таҳсин лойиқ. Шу жиҳатдан бу алломанинг ҳаёти ва илмий меросини Мовароуннаҳр алломалари ва Ҳанафий уламолари қаторида ўрганиб тадқиқ қилиш ва кенг жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бадруддин Айний. Умдатул қорий. – Байрут-Лубнан: Дурул кутубул илмия, 2001. Ж. 1.
2. Жамолиддин Юсуф ибн Туғрий Бардий. (Таҳқиқ: Муҳаммад Амин, Саид Абдулфаттах) Ал-манҳал ас-софий вал-муставфа баъдал вафий. –Миср: Ҳайат мисриййа амма, 1984. Ж.11.
3. Ибн Ҳажар Асқалоний. Адурарул камина фи аъян миатус самина. Ж.4. Байрут. Дар ихя туросил арабий. 1990. Ж. 2.
4. Ибн Ҳажар Асқалоний. Ал-муҷаммаъул муассис лил муъжамил муфаҳрис. 4 жилдлик. – Байрут: Дарул маърифат. 1992. –Ж. 3.
5. Ибн юсуф Шатиҳ. Докторлик дисс. Маъалим минҳажил луғавий фи шарҳил ҳадисин набавий индал Имам Айний. Жазоир Қосидий университети. 2014 йил.
6. Иймон Умар Шукрий. Ас-Султон Барқуқ Муассис давлатил Мамаликил Жаракиса (784-801/1282-1398) мин хилал махтут Ақдул Жамон фи Тарих Аҳлиз Заман ли Бадрил Айний. –Қоҳира: Мактабат Мадбулий, 2002.
7. Маҳмуд ибн Аҳмад Бадруддин Айний Ҳанафий. Ал-Бинаяту фи шарҳил ҳидая. Таҳқиқ. Аҳмад Солиҳ Шаъбон. Ж. 13. Байрут. Дарул кутубил илмийя. 2000. Ж.1.
8. Маҳмуд ибн Аҳмад Бадруддин Айний Ҳанафий. Шарҳ манорул анвар фи усулил фикҳ. Байрут. Дарул кутубил илмийя. 2002.
9. Муҳаммад ибн Абдур Раҳмон ас-Саховий. Китобут тибрил масбук фи зайлис сулук / Ал-Муҳаққиқ Нажва Мустафо Комил. 4 жилдлик. – Қоҳира: дор ал-кутуб ва ал-васоиқ ал-қавмия, 2002 – Ж.1.
10. Муҳаммад ибн Абдуррахмон Саховий. Аз-Завул ломиъ ли аҳлиил қарнит тасиъ. 12 жилдлик. – Байрут: Дорул Жайл, 1992. –Ж.10.
11. Солиҳ Юсуф Маътуқ. Бадруддин Айний ва асариху фи илмил ҳадис. Арриёз. Дарул башаирил ислмийя. 1983.



12. Тақийюддин ибн Абдулқодир Тамимий Дорий Иззий Мисрий Ҳанафий. Ат-табақотус сания фи тарожимил ҳанафия. Ж.3. – Ар-Риёд: Дар ар-рифъий, 1983. Ж.3.